

6. Чорвачиликда хавфсизлик қоидалари.

ЁДДА ТУТИНГ:

18 ёшга тўлмаган шахслар:

- 1. Ветеринария санитарлари;**
- 2. Буқаларни парваришловчи оператор (чорвадор);**
- 3. Йилқичи;**
- 4. Касалланган ҳайвонларни парвариш қилувчи ишчи;**
- 5. Ҳайвонлар гўнгини олиб чиқиш билан шуғулланадиган ташувчи бўлиб ишлаши**

ТАҚИҚЛАНАДИ

Ҳайвонлар билан ишлашда ишчиларнинг хавфсизлиги учун жавобгарлик мажмуа бошликлари, ферма мудирлари, участка раҳбарларининг зиммасига юкланади.



Раҳбарлар чорвадорларни хавфсиз иш усуллариغا ўқитиш ва уларга йўл-йўриқ беришни, улар мажбурий имтиҳон топширишини ташкил этиши шарт ва фақат шулардан сўнггина ишга рухсатнома расмийлаштириши керак.

ЁДДА ТУТИНГ:

Жисмоний имкониятлари чекланган шахслар ва ҳомиладор аёлларга ҳайвонларни парвариш қилиш ишларини бажариш рухсат этилмайди.

Машинада соғиш операторлари, усталари, молбоқарлар, ем-хашак тайёрловчилар ишга киришишдан олдин ҳайвонлар боқилаётган хоналар, ем етказиш усуллари, гўнг тозалаш, сигир соғиш, ҳайвонларни айлантериш ташкил этилиши, кун тартиби ва бошқа жиҳатлар билан танишиб чиқиши кера



Ускуналардан фойдаланишда хавфсизлик чоралари.



Сут етиштириш ва бўрдоқига боқиш фермалари ва мажмуаларида технологик жараёнларни белгиланган меъёрда бажариш учун кўп миқдорда сув талаб қилинади.

Ферманинг сув таъминоти узлуксиз

бўлиши керак.

Механизациялаштирилган тартибда хоналарга узатиш ва таксимлаш учун насос станциялари, кудуклар, сув босимини ҳосил қиладиган миноралар ва баклар, сув қувурлари, сувдонлар ва автосувдонлар қўлланади.

Ем тайёрлаш машиналаридан фойдаланишда, айниқса, эҳтиёт бўлиш керак. Негаки бу машиналар ем майдалайдиган, катта тезликда айланадиган ва катта инерция кучларини ҳосил қиладиган узатмали механизмларига эга бўлади



Иш жараёнида қатнашмайдиган шахсларни ем тайёрлаш машиналари ва механизмларига яқинлаштириш таъқиқланади. Ишлаётган механизмларни назоратсиз қолдириш руҳсат берилмайди.



Ем тайёрлаш машиналарида этаги узун, енги кенг кийимда ва фартук тақиб ишлаш тақиқланади.

Ҳотин-қизлар сочиларини румолча билан йиғиштириб олишлари зарур.

Иш вақтида комбензонда ёки шим билан куртқада ишлаш зарур (*айланувчи механизмлар айланиб кийимни тортиб кетиши ишчи*

жароҳатланишига сабаб бўлиши мумкин).

Машинанинг барча тишли, тасмали ва занжирли узатмалари сақловчи қобиғлар ва мосламалар билан тўсилган бўлиши керак.

Машиналарнинг таъминловчи транспортёрларига, қабул қилувчи чўмичларига ва сақловчи қобиғлари устига бегона буюмларни (*пайшага, қалитлар, отвёрткалар, гайкалар ва ҳ.к.ларни*) қўйиш тақиқланади (*машина бузилиши мумкин*).

Қайта ишланаётган ерни машинанинг пресслувчи барабани тагига ёки қабул бункери оғзига қўлда ёки бошқа асбоб ёрдамида суриш тақиқланади (*ишчининг қўли жароҳат олиши мумкин*).



ЁДДА ТУТИНГ:

- Ем майдалагич ишлаётган вақтда ем чиқариш жойи рўпарасида туриш мумкин эмас;

- Машинанинг ишчи қисмлари тўлик тўхтамагунча болтларни тортиш, подшипникларни мойлаш, машинани ростлаш ишларини бажариш ва қобиғлар қопқокларини очиш рухсат этилмайди (*машина бузилиши, ишчилар жароҳатланиши эҳтимоли мавжуд*).

Қурук ем маҳсулотлари (ғалла, сомон, пичан, маккажўхори поялари ва шу каби) майдалаш жойида ёнғинга қарши воситалар бўлиши керак.

Ем-хашакларни буғлаш жараянида қуйидаги хавфсизлик чораларига риоя этилиши зарур:

- қозонлар қопқоғини зич ёпиш ва венти́ллар тўлик ёпилиб буғ узатиш тўхтатилмагунга қадар уларни очмаслик керак;

- баландлиги юқори бўлган қозонлар ва бошка идишлардан фойдаланишда уларнинг оғзи ёнида нарвонлар, туткичлар ва тўсиклар назарда тутилган бўлиши керак;

- буғланган маҳсулотни туширишдан олдин қозондаги конденсатни оқова тешиги орқали тўкиш, тайёр емли қозонлар қопқоғини қўлқоп билан сакловчи кўзойнак тақиб эҳтиёткорлик билан очиш зарур;

- буғлагич ёнига ундан фойдаланиш ва меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар осилган бўлиши керак.



ЁДДА ТУТИНГ:

Ем тарқатгичли тракторда ишлаш махсус ўқитилган ва трактор бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

Трактор ҳаракатланиши вақтида тиркама мосламасида туриш, ем тарқатгич устига чиқиш, кардан валида, узатувчи транспортёрда туриш, химоя тўсиқларини ва қобиғларини ечиш тақиқланади (*жароҳат олиш мумкин*).



Тарқатгичли тракторнинг ем бериш йўлакларида ҳаракатланиш йўлида одамлар, ҳайвонлар ва кераксиз буюмлар бўлмаслиги зарур.

Сут соғиш ва сув машиналари ва қурилмалари алоҳида махсус хоналарда: сут соғиш залида, вакуумли-насос, сут, ювиш, музлаткич камераларида жойлаштирилади.



Сут ускуналарини ювиш ва дезинфекция қилишда сув билан эритма электр машиналарга ва агрегатларга тушмаслигини назорат қилиш зарур.



Сут соғиш қўрилмалари ва сутни қайта ишлаш машиналарининг носозлиқларини машиналар тўлиқ тўхтаганидан кейингина бартараф этиш мумкин.

***Ускуналарда ҳалокатлар,
ёнгинлар юз беришининг,***

ишчиларни электр ток уришининг олдини олиш мақсадида:

- машина хонасида керосин, бензин ва бошқа тез ўт олувчан моддаларни сақлаш. Бу хонада тўлдирилган ўт ўчиргич ва қум солинган яшиқ доимо бўлиши керак;

- таксимлов электршити ва вакуум-насослар жойлашган хонага бегона шахслар кириши ва уларни ёқиши; - тизимда нуқсон бор (ёрилган, синган) сут қувуридан фойдаланиш

ТАҚИҚЛАНАДИ.



Халат ва румолчаларга тўғнагич ва ниналар кадаб қўйиш, халат чўнтакларидида ўткир метал ва бошка буюмларни сақлаш тақиқланади (жонивор жароҳатланиши ва бунинг оқибатида сут соғувчи ҳам жароҳат олиши мумкин).

Машинада соғиш операторларининг меҳнатини енгиллаштириш учун фермаларда

флягаларни ташиш ва кўтариш мосламалари бўлиши керак.

Сигирларни оғилхона секцияларидан сут соғиш залига ва қайта оркага хайдаш учун мўлжалланган йўлакларда (ёки ўтиш жойлари), тўсиқлар билан ажратилган подачи-ишчи учун хизмат ўтиш жойлари бўлиши керак.

Соғиш тугатилгандан сўнг барча соғиш аппаратлари ва сут тармоқлари махсус ювувчи эритма билан ювиб чиқилади.

Гўнг тозалаш қурилмалари ва транспортёрлардан фойдаланишда қуйидаги меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш зарур:

- электрдвигателли узатма редуктори бетонли асосга ўрнатилади. Унга уланган электрсимларни пўлатдан тайёрланган герметик найча орқали ўтказиш, электрдвигател корпусини ерга улаш зарур;

- транспортёрнинг барча узатма, тортиб турувчи ва узатувчи механизмлари қобиғлар билан тўсилган бўлиши зарур. Ўтиш жойларида ва дарвоза ёнида транспортёрларнинг тарновларини яхлит ёғочли қалқонлар билан ёпиш зарур;

- гўнг тозалаш транспортёрини ёки делта-скреперини ишга тушириш ва тўхтатиш учун икки тарафлама масофада бошқарувни: хонанинг қарама-қарши қисмларида ўрнатилган бир хил тугмалар ёрдамида ёкиш ва ўчириш имкониятини таъминлаш зарур;

- транспортёрни ундан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс дастлаб унинг устида бегона нарсалар йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан ва шартли сигнал бергандан сўнг ёқади.

Гўнг тозалаш курилмаларининг ишга тушириш тугмалари ёнига огохлантирув тахталари осиб қўйилади ва уларнинг мазмуни куйидагича бўлади:

**Бегона шахслар
курулмани
(транспортёрни)
ёқиши қатъиян
тақиқланади!**

Ишчилар жароҳатланишини олдини олиш мақсадида

- транспортёр ишлаб турган вақтда занжирларни тортиш, ростлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш, буриладиган юлдузчаларни мойлаш;

- қия транспортёр занжирининг тортилиш даражасини ростлаш учун қия ўк (стрела) устига туриб олиш (бу ишни нарвонга чиқиб бажариш лозим);

- транспортёр ишлаб турган вақтда занжирлар ва юлдузчалар устида туриш;

- транспортёр ишлаб турганда хонага молларни киритиш ва уларни чиқариш



ТАҚИҚЛАНАДИ:

Гўнгни ўтказиш учун мўлжалланган пневматик курилма катта босим остида ишлайди. Шу сабабли хизмат кўрсатувчи ходимлар керакли малакага эга бўлиши зарур.

Курилмада ишлаш ёши **18 дан кичик бўлмаган**, ҳаволи компрессорлар ва ресиверлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

Бу шахслар дастлаб меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўрик олиши ва тиббий кўрикдан ўтиши шарт.

Пневматик курилмани монтаж қилиш ишлари тугатилгандан сўнг уни «Саноатгеоконттехназорат» инспекциясида рўйхатдан ўтказиш зарур.

Чуқур бўлган гўнг қабул қилгичлар, суюқ гўнг сақлаш учун мўлжалланган идишлар, азротенкалар, гўнг омборлари эҳтиёт деворлари, химояловчи тўсиқлар билан *жиҳозланган бўлиши зарур.*

ЁДДА ТУТИНГ:

Ферманинг ишлаб чиқариш хоналарига бегона шахсларни қўйиш тақиқланади.

Молларни оғилхонада боқиш усулида ҳар бир мол аниқ бир ходимга бириктирилган бўлиши керак.

ЁДДА ТУТИНГ:

Одамларнинг жсороҳатланиши жониворлар ёнида эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракатлар натижасида юз бериши мумкин.

Молларни парвариш қилиш вақтида катакларга кириш, мол ҳайдаб ўтилаётган вақтда дарвозада ва ўтиш жойларида туриш, гўнг тозаловчи транспортёр, ер устида ҳаракатланувчи ва осма транспорт ишлаётган вақтда молларни чиқариш ва хоналарга ва катакларга киритиш



рухсат этилмайди.

Жониворлар билан ишлашда, айникса, соғиш ва овкатлантириш вақтида, барча ҳаракатлар ўзига ишонган ва хотиржам бажарилиши керак.

Нотинч жониворлар бокиладиган молхоналар, катаклар ва бошқа жойларнинг ташқи тарафидан қуйидагича огоҳлантирув ёзувини осиб қўйиш зарур:

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ – СУЗОНҒИЧ СИГИР!



Сигирларни парваришlashда куйидаги **хавфсизлик чораларига** риоя қилиш зарур:

- сузонғич сигирларнинг шохини ветеринария шифокорининг рухсати билан олиб ташлаш лозим;
- сигирларни фақат боғлаб тозалаш керак;
- боғланган молни ечиш вақтида қўлни жароҳатланишдан

эҳтиёт қилиш;

- сут соғувчиларнинг курсилари мустаҳкам ва соз ҳолатда бўлиши керак;

- орка оёғи билан тепувчан сигирларни соғишдан олдин уларнинг оёғини боғлаб қўйиш зарур.

Букаларни парваришlash фақат жисмонан бақувват ва тажрибали чорвадорларга рухсат этилади.



ЁДДА ТУТИНГ:

(мол ўзини агрессив тутишини ва оқибатда, ишчилар жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида)

Буқаларга хатто оз даражада ҳам маст ҳолатда яқинлашиш тақиқланади.

Букаларни парваришловчи шахслар меҳнат муҳофазаси коидалари бўйича ўқитилган ва билими синовдан ўтказилган бўлиши зарур.

Билимини синаш хўжалик раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан ўтказилади.

Синов натижалари махсус дафтарда қайд этилади.

Фемер
хўжалигининг
Меҳнат муҳофазаси
коидалари бўйича
ишчилар билимини
синовдан ўтказиш
ДАФТАРИ



Букаларни бокиш хоналари ва ўтоқ қилиш майдончалари жойлашган ҳудуд камида 1,5 м баландликда бўлган метал девор билан ўралади.

Янада юкори даражали хавфсизлик учун букалар 6-8 ойлигида уларнинг бурун тешиклари орасига халка ўрнатиш зарур.

Оғрик етказилиши сабабли жонивор ўзини агрессив тутиши эҳтимолини олдини олиш мақсадида, букани бурун

ҳалқасидан ўтказиб боғлаш тақиқланади.

Букаларни айлантиришга уларнинг феълидан қатъи назар жиловли юганда ва албатта бурун ҳалқасига илинган камида 2 м. узунликдаги «бошқаргич»-таёқча билан олиб чиқиш зарур.

Ё Д Д А Т У Т И Н Г :

Катта ёшдаги молларга ветеринария-санитария ишловини бериш ишлари уларни қимирлатмай қўядиган махсус катакларда, ажратгичларда (расколларда) ва хоналарда бажарилади.

Жониворларни текширишда фақат хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иштирок этишига рухсат этилади.

Юқумли касалликлар билан касалланган жониворларга хизмат кўрсатиш 18 ёшдан катта бўлган, шахсий эҳтиёт чоралари ва бундай ҳайвонларни парвариш қилиш қоидалари бўйича махсус йўл-йўриқ олган шахсларга рухсат этилади.

Хизмат кўрсатувчи ходимлар доимий тиббий назоратда бўлади.

Ҳомиладор ва эмизувчи аёлларга касалланган жониворлар билан ишлашга рухсат берилмайди.



Касал хайвонларга хизмат кўрсатадиган ходимларга махсус кийим бош, пойабзалдан ташқари санитария кийими ва пойабзали берилади.



Хизмат кўрсатувчи ходимларга касал юқишининг олдини олиш мақсадида, касал хайвонлар учун мўлжалланган хоналарда овқатланиш, сув ичиш ва чекиш, шунингдек бруцеллез ёки сил билан касалланган хайвонлардан олинган хом сут, каймоқ ва бошқа сутли маҳсулотларни



истеъмол қилиш қатъиян ман этилади.

Ишни бошлашдан олдин кўлдаги тирналган ёки кесилган яраларни йод суртиб боғлаб қўйиш тавсия қилинади.

Хайвонларни сут ва бўрдоқичилик мажмуаларида, шахсий хўжаликларда боқишда, маҳаллий шарт-шароитларга қараб хайвонларнинг айрим гуруҳларини, гала ва подаларини участкадан участкага ҳайдаб ёки транспортда ташиб ўтишга тўғри келади.



Бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд бўлган меҳнат муҳофазаси қоидаларини билиш ва қатъий бажариш зарур.

Хайвонларни ўтлатиш учун энг хавфсиз жой кўтонларга бўлинган, девор билан ўралган ва молларни суғориш учун жихозлар билан таъминланган маданийлаштирилган яйловлар ҳисобланади.

Табиий яйловларда молларни ўтлатишда чўпонлар, чорвадорлар, галачилар молни ўтлатиш қоидаларини билиши, ўзига ва ёнидагиларга ҳамда касалланган хайвонларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиши лозим.

Ўтлатишни бошлашдан олдин ўтлок жойларини текшириш, яйловни бегона нарсалардан тозалаш, ўраларга тупрок тўлдириш ёки

уларни тўсиб кўйиш, суғориш учун кулай бўлган жойларни мўлжаллаб кўйиш, ўтлар орасида заҳарли гиёҳлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Ҳайвонларни далага ҳайдашдан олдин санаб чиқилади ва орасида касалланганлари бор йўқлиги текширилади.

Соғлом ҳайвонларга касаллик юқишининг, улар жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида молларни касалланган ҳайвонлар бўлган ёки карантин эълон қилинган ҳудудда ўтлатиш ҳамда ёш моллар ва сизирларни буқалар билан бирга ўтлатиш



ТАҚИҚЛАНАДИ

Чўпоннинг оти бўлиши керак.

Тунги вақтда ва ёғингарчиликда пода ёнида камида икки нафар чўпон навбатчилик қилади.

Чўпонлар махсус кийим бош ва махсус пойабзал кийишлари керак.

Подачилар ва молларни ҳайдаб борувчилар чорва молларини ҳайдаб боришдан олдин ҳайдаш йўли рельефи, сув манбалари жойлашган ерлар

(ҳайвонларни овқатлантириш ва уларга биринчи ёрдам кўрсатиш коидалари) билан танишиб чиқадилар.



Чорва молларини ҳайдаш вақтида ҳаракатланаётган ҳайвонлар йўлида туриш ва пода орасига кириш мумкин эмас (ҳаракатланаётган ҳайвонлардан жароҳат олиш эҳтимоли мавжуд).

Сузонғич ва агрессив ҳайвонлардан эҳтиёт бўлиш зарур.

ЁДДА САҚЛАБ ҚОЛИНГ:

Йўлларда ҳаракатланаяётганда юк ташувчи, мириладиган ҳайвонлар ёки подани бошқаришни фақат 18 ёшдан кичик бўлмаган ишчилар амалга оширишлари мумкин.

Йирик шохли молларни автомобилларда, вагонларда ташиш жараёнида меҳнат муҳофазаси ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шахсий эҳтиёт чоралари коидаларига қатъий риоя қилиниши керак.

Темир йўл орқали чорва молларини махсус ёки мослаштирилган соз ҳолатдаги, тоза вагонларда ташиш лозим.




Ҳайвонларни транспорт воситасига юклаш ва тушириш ишлари куннинг ёруғ вақтида, тунги вақтда эса яхши ёритилган жойда, мол юклаш майдончалари, эстакада ва ён тўсикли траплардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Вагонга битта турга мансуб ҳайвонлар юкланади. Ҳайвонларни парвариш қилиш мақсадида ҳар бир вагонда биттадан кузатувчи бўлиши керак.

Ҳайвонларни ташиш учун махсус автомобиллардан фойдаланиш зарур.

Йирик шохли молларни транспортда ташиш вақтида юк машинасининг ён деворлари камида 100-110 см баландликдаги қўшимча панжара билан жиҳозланган бўлиши керак.

Машиналарда ташишда ҳайвонлар боши олд томонга (ҳаракатланиш йўналиши бўйича) қаратиб қўйилади ва маҳкам боғланади.



Ҳайвоннинг ҳар 100 кг. оғирлигига кузов майдонининг 0,4 м² қисми тўғри келиши керак.

Қиш вақтида кузов тубига қум, кипик, майдаланган сомон сочилади.



Йўлда кузатувчи ва хайдовчи ҳайвонларни назорат қилиб боради.

Кузатувчилар жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида автомобил кузовида одамлар бўлиши тақиқланади.

Ҳаракатланиш тезлиги асфалт қопламали йўлларда - 60 км/соат, кишлоқ йўлларида - 25 км/соат бўлиши керак.

Ҳайвонларни гўшт
комбинатига ташишда
кузатувчилар халат, резина
кўлқоп, дезинфекциялаш
воситалари билан таъминланади
ва уларга шахсий профилактика
чоралари ва йўлда ҳайвонларни
парвариш қилиш қоидалари
бўйича йўл-йўрик берилади.

